

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 12 май, № 94 (6277) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Бухоро муҳандислик-технология институти олимлари томонидан яратилган диэлектрик уруғ саралагич “Ромитанпахтатозалаш”, “Бухородонмаҳсулотлари”, “Когондонмаҳсулотлари” корхоналарида синовдан ўтказилганида, кутилган ижобий натижалар олинди.*

### Диэлектрик қурилма ижобий натижа берди

Мазкур янги қурилма электр энергиясини нисбатан кам сарфлайди. Саралаш сифати эса юқори. Шунингдек, у нафақат тукли, балки туксиз чигитга ҳам мўлжалланган. “Электрон-ион” технологияси асосида ишловчи бу технологияда юзага келадиган электромагнит майдони таъсирида уруғнинг унувчанлик хусусияти ҳам ошади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда мамлакатимиздаги 12 та корхонада мазкур диэлектрик уруғ саралагич хизматидан фойдаланилмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сақлаш муддати узайтирилди

*Қибрай туманидаги “Bio-sut” қўшма корхонасида тайёрланаётган сут маҳсулотлари сақлаш муддатларини ҳеч қандай қўшимча ва кимёвий аралашмаларсиз 3 кундан 7 кунгача узайтиришга эришилди.*

Бу мавжуд технологиялар ҳамда қадоқлаш тизими босқичма-босқич модернизация қилингани самарасидир. Чунончи, Германия ва Италиядан янги ишлаб чиқариш линиялари олиб келинди. Шу билан бирга, юқори сифатли қадоқлаш материаллари, ингредиентлар ҳам хорижлик шериклар томонидан етказиб берилмоқда.

— Яқинда корхонамиз ўзининг қирқинчи турдаги маҳсулотини истеъмолчиларга тақдим қилди, — дейди жамоа раҳбари М. Арипов. — Улар орасида оддий сут ва қатиқдан тортиб, қаттиқ ҳамда юмшоқ пишлоқларгача бор. Янги ўзлаштирилган сариёғ ва паст ҳароратда пастеризациялаш орқали қадоқланаётган табиий сутлар ҳам харидорларга манзур бўлаяпти.

Айтиш жоизки, мазкур янгиликлар туфайли қўшимча цех ҳамда бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 60 дан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳар соҳада талаб бор

*Гулистон шаҳридаги “Металлург ГТТМЗ” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган бўр хом ашёсидан қурилиш соҳасида кенг фойдаланилади.*

Масалан, сувли эмульсиянинг 90 фоизи, сувоқ материалининг эса 70 фоизи бўрдан таркиб топади. Муҳими, жамият томонидан ушбу маҳсулот турининг маҳаллийлаштирилиши туфайли ҳудуддаги қурилиш ашёлари тайёрловчиларга катта қулайлик яратилди.

— Мазкур лойиҳани банкнинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширдик, — дейди жамият раҳбари Худойберди Бадалов. — Натижада энг илғор технология асосида чиқитсиз ишлайдиган мўъжаз завод бунёд этдик. Яъни бу замонавий тегирмон кунига 10 тоннагача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлиб, оҳактошни деярли юз фоиз бўрга айлантириб беради.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Энг бахтли мамлакатнинг муносиб фарзандлари



СУРУР

*Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат чоғида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида алоҳида сўз юритди. Бу фикр-мулоҳазалар кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Таҳририятимизга юртдошларимиз номидан келаётган дил сўзларини ўқиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.*

**Жума ИБРАГИМОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси**
**(Деҳқонобод тумани):**

— Давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан Хотира майдонида билдирган фикр-мулоҳазаларини телевизор орқали тинглаб, ниҳоятда таъсирландим. Айниқса, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” мавзуида мушоҳада юритганларида, ўтмиш машаққатлари кино тасмасидай бир-бир кўз ўнгимда гавдаланди.

Ўйлаб қарасам, умримнинг энг навқирон палласи фронтда кечибди. Урушдан сўнг ҳам не-не кулфатларни бошдан ўтказмадик, дейсиз?! Ҳаёт жуда оғир эди. Фарзандимиз оч қолмасин, дея кечани кеча, кундузни кундуз демай, ҳориб-толиб меҳнат қилдик. Тўғри, буларнинг барчаси — кечмиш. Балою офатлар ортда қолгани рост бўлсин. Лекин бир нарсани унутиб бўлмайди. Ҳозирги дориламон кунлар ўз-ўзидан келгани йўқ! Қаранг, бугун юртимиз тинч, насибамиз бутун. Эртанги кундан кўнглимиз тўқ. Фарзандлар роҳатини кўриш, қарилик гаштини суришдек саодатдан баҳрамандмиз. Жажжи чеваралармизнинг шодон қийқириғи қулоғимизга чалинса, вужудимиз яйраб кетади. Энг муҳими, давлатимиз биз, нуронийлар умрини узайтириш, мазмунли ҳаёт кечиришимизни таъминлаш учун барча имкониятни ишга солаяпти. Булар учун шукрона айтмай бўладими?!

Хотира ва Қадрлаш кунини ана шундай кўтаринки кайфиятда оила аъзоларимиз даврасида нишонладик. Тўкин дастурхон атрофида осойишта юртимизни Яратганнинг ўзи ҳамиша ёмон кўзлардан асрасин, дея дуо қилдик.

**Дўстмурод ОЧИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси (Навоий вилояти):**

— Бахт-саодат тушунчасини ҳар ким ўзича англайди, ўзича изоҳлайди. Аммо барча учун аён бир ҳақиқат бор. Яъни бахтли ҳаёт кечиришнинг энг асосий омили, бу — тинчлик. Ахир шундоққина остонасида ўқ овози эшитилиб турса, кўча ҳатлаб чиққан каттаю кичик милтиққа нишон бўлса, ким ҳам ўз уйида хотиржам ухлай олади?! Ёки бир бурда нон, бир қултум сувга зориқиб яшайдиганлар йўқми бугун дунёда?! Тошқинлар, зилзилаю тўфонлар туфайли азият чекаётган минг-минглаб оилалар-чи? Булар бизни юртимиздаги осудалик, фаровонликни, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Президентимиз 9 май куни Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда ана шу ҳақда сўз юритар эканлар, эътиборимизни бир маълумотга қаратдилар. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилиб, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллабди. Ахир қисқа муддатда эришилган бундай юксалиш суръатлари, энг аввало, Юртбошимизнинг тинчликпарвар сиёсати, халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонати туфайли қўлга киритилмадими?!

Бугун ана шундай ҳақиқатлар мағзини ёш авлод онгига етказиш биз, ўқитувчи-мураббийлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шу боис Хотира ва Қадрлаш куни арафасида таълим муассасаларида ўтказилган “Тинчлик дарслари”, “Уч авлод учрашувлари”да осойишталигимиз, мустақиллигимиз қадр-қиммати ҳақида алоҳида тўхталдик, кенг мулоҳаза юритдик. Энг муҳими, тинчлик сабоғи кўзлари эртанги кунга қатъий ишонч ҳисси билан порлаб турган ёшларимиз онгу тафаккурига чуқур сингиб борди. Ўйлайманки, келгусида ҳам ёш авлод камолотида ана шундай мавзуларга кенг ўрин беришимиз зарур.

(Давоми 2-бетда).

# АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

юртимиз иқтисодиётининг жадал юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда

*Янги қувватларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича белгилаб олинган устувор вазифаларнинг ижроси жалб этилаётган инвестициялар ҳажмига бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда истиқлол йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, сармоядорларга қўшимча имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Пировардида иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий сармоялар оқими кўпаймоқда.*



ИЗЛАНИШ

Эътиборли жиҳати шундаки, чет эл инвестициялари юртимизнинг олис ҳудудларига ҳам йўналтирилаётир. Хусусан, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида хориж капитали иштирокида кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Термиз шаҳридаги “Новафарм” Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси — ана шулардан бири.

Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонани бунёд этишга 2 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция йўналтирилди. Маблағнинг асосий қисми замонавий бино ва омборхона қуриш, уларни энг илғор ишлаб чиқариш линиялари ҳамда бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлашга сарфланди. Натижада 2011 йилнинг ўзидаёқ бу ерда ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликларига қарши дори-дармонлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва тайёр маҳсулотлар дастлаб корхонамиздаги лаборатория текширувидан ўтказилади, — дейди технолог Дилфуза Хўжамуродова. — Бунинг учун етарли шарт-шароит яратилган бўлиб, назорат-таҳлил ишлари тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

## «ТАШАББУС — 2015»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус — 2015” кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал равнақ топаётганининг яна бир ифодасига айланди.*

### Илғор тажрибалар намойиши

Жорий йилнинг дастлабки уч ойида тадбиркорлик тузилмалари сони 464 тага кўпайиб, 15400 дан ошди. Соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса 67,8 фоизни ташкил этмоқда.

Айтиш жоизки, изланувчан ва фаол тадбиркорларни аниқлаш, улар тажрибасини оммалаштиришда “Ташаббус” кўрик-танловининг аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, тадбирнинг ўтган йиллар давомидаги республика босқичларида наманганликлар беш маротаба юксак мукофотларни қўлга киритишди.

— Бундай танловлар ишбилармонларни янада улкан марралар сари чорлайди, — дейди Поп туманидаги “Ғайрат Чодак” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аббосхон Полвонов. — Бугун бу ерда ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйган кичик бизнес субъектлари тажрибаси билан ўртоқлашиб, корхонамиз маҳсулотларини ҳам экспортга йўналтириш учун нималар қилиш лозимлиги борасида ўзим учун қимматли тушунчалар олдим.

Дарҳақиқат, “Ташаббус” изланувчан, шижоатли ишбилармон юртдошларимизни рағбатлантирадиган самарали механизм сифатида намоён бўлмоқда. Кўрик-танловнинг жорий йилда ўтказилган шаҳар ва туман босқичларида 380 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Уларда ғолиб чиққан 35 нафар қатнашчи Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ўз маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилди. Улар фаолиятини холисона баҳолашда эришган натижалари ҳамда яратган иш ўринлари инобатга олинди.

(Давоми 2-бетда).

# Тинчлик — улуғ неъмат, буюк саодат

Инсоннинг энг олий, муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч-осойишта ҳаёт кечиришдир. Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг ушбу ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳамда бағрикенглик мустаҳкам қарор топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 май куни пойтахтимизда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда мамлакатимизнинг тараққиёти, бугуни ҳамда эртанги куни, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ҳамда долзарб фикрларни баён этар экан, “Бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак!” дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бинобарин, Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат дунёда тинчликпарвар сиёсат, деб баҳоланиб, халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон минтақада барқарорлик омили сифатида турли таҳдид ва хавфларнинг нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё бўйлаб тарқалишига самарали тўсиқ бўлаяпти, бу борада кўплаб давлатлар учун ўрнак кўрсатмоқда.

## МУНОСАБАТ

Бундай натижа ҳамда марраларга эришишда жамият ҳаётининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари шакллантирилгани, жумладан, давлатимиз минтақамиз ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилгани муҳим аҳамият касб этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# Осуда ҳаёт қадри

Аждодлар хотирасини ёд этиш, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ота-боболаримиз матонатини ёш авлод онгу шуурига теран сингдириш эзгу ишларимиздан биридир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1999 йилдан буён умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётган 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни урушдан қайтмаганларни эслаш, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилган фахрийларни эъзозлашга имкон яратди.

Мамлакатимизда “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида кенг нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунида тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз учун жонини фидо қилган, халқ, Ватан олдидаги бурчини мардона адо этган ўғлонлар хотираси ёдга олинди, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Президентимиз сана муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида таъкидлаганидек, ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо ғурур ва ифтихор билан эслайди.

Шу ўринда мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг турли қатлами, жумладан, кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилда имзолаган бир қатор фармонлари ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ҳамда меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Тинчлик — улуғ неъмат, буюк саодат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида БМТнинг барча — 13 та конвенцияси республикамиз томонидан ратификация қилинган. Ўз навбатида, тинчлик, осойишталик ҳамда барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро миқёсда тинчликпарвар сиёсат олиб бормоқда, турли ташаббусларни илгари сураяпти. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилинди. Айни чоғда Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос принципиал ёндашувга эга бўлган мамлакат сифатида эътироф этилаяпти. Юртимиз жафокаш афғон халқининг қаддини ростлаб, тикланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатаётган давлат эканлигини нуфузли экспертлар алоҳида таъкидлашмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз томонидан аср вабоси ҳисобланган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё ҳудудидаги экологик муаммолар, трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш бўйича сўнгги йиллар давомида билдирилган қатор таклиф ҳамда ташаббуслар халқаро ҳамжамият эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келмоқда.

Қувонарлиси, тинчлик, осудалик ҳукмрон бўлган юртимизда дунё мамлакатларининг ҳавасини келтираётган залворли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу эзгу ва кенг қамровли ислоҳотларга дахлдор бўлиб яшаш эса барчамизни яратувчанликка, муваффақиятларни янада мустаҳкамлашга чорлайверади.

**Комила КАРОМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# Осуда ҳаёт қадри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нуронийлар ҳаётини янада яхшилаш, фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ҳамда тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган хайрли ташаббуслар бир-бирига уланиб, Кексаларни эъзозлаш йилида янги босқичга кўтарилгани эътиборга молик.

Ўз навбатида, ушбу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, тинч-тотув, осойишта кунларнинг қадрини ёш авлод онгшуурига сингдириш, бу борада қабул қилинаётган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар аҳамиятини маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликка етказиш, жойларда давлат дастурлари бўйича тарғибот-тушунтириш тадбирларини мунтазам ташкил этиш биз, сенаторларнинг долзарб вазифаларимиздан биридир. Бу саъй-ҳаракатлар бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшлар қалбига ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини севиш, она-Ватанига садоқатли бўлиш, энг муҳими, туғилган тупроғини муқаддас, деб билиш каби фазилатларни сингдиришда катта ўрин тутади.

Мухтасар айтганда, ана шундай дориламон кунларда бахтиёр камолга етаётган ёш ўғил-қизларимизга ҳавас билан боқиб, шу кунларга етганига шукрона айтаётган, ҳаётидан мамнун бўлиб яшаётган кексаларимиз садоқати, жасорати биз учун катта ибратдир.

**Сайёра БАРОТОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**



# АНИҚ ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

## юртимиз иқтисодиётининг жадал юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, тайёр маҳсулотлар ҳам микробиология таҳлилидан ўтказилгач, қадоқланган ҳолда карантин омборхонасида жамланади. Сўнгра уларнинг сони ва миқдори аниқланади. Уларга мувофиқлаштирувчи сертификат олингандан кейингина дорихоналарга тарқатилади. Буларнинг барчаси юқори сифатли дори воситалари ишлаб чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларининг тури тўққизтага етказилди. Қувонарлиси, дориларнинг ички ва сиртқи қопламалари, шунингдек, қутилари ҳамда улардан фойдаланиш йўриқномаларини ҳам шу ернинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Яқинда корхонамизнинг иккинчи босқичини ишга тушириб, суюқ ва капсулаланган дори-дармонлар қадоқлашни ҳам бошладик, — дейди унинг раҳбари Вагмаре Раженд-кумар. — Шунинг ҳисобидан 55 та қўшимча иш ўрни яратилди. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, бир маротаба фойдаланиладиган шприцлар ҳам ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ниятидамиз.

Айни пайтда бу ерда 90 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти коллежларни битирган йигит-қизлардир. Нилуфар Ҳакимова, Лайло Раҳмонова, Малоҳат Раззоқова, Ситора Абдуллаева, Дилфуза Назарова сингари тажрибали ходимлар "Устоз — шогирд" анъанаси асосида ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар хорижий ҳамкорларни ўз фаолиятини Ўзбекистон билан боғлашга руҳлантирмоқда. Натижада "Нова-фарм" сингари янги-янги қувватларга асос солинаяптики, пировардида улар мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



# Энг бахтли мамлакатнинг муносиб фарзандлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Робия СУЛТОНОВА, меҳнат фахрийси (Пешку тумани):**

— Шу йил 115 ёшни қарши олдим. Куни кеча маҳалламиз фаоллари байрам билан табриклаб, совға-саломлар бериб кетишди. Сизга айтсам, роса суюндим. Шукр, дедим. Қўл-оёғим бус-бутун. Ён-атрофни бинойидек кўраман. Қийналгудек бўлсам, барака топишсин, невара-эвараларим бор.

Мана, айтганларимни кенжа эварам қоғозга ёзиб олаяпти, денг. "Майли, ёза қол, булар мендан табаррук", деб қўяман. Қарилик-да, бир оз гапдан чалғиб кетдим. Тинчлик ҳақида гапирмоқчи эдим. Дунёда тинчликдан улуғ неъмат йўқ. Куни кеча телевизор орқали кўрдим: Юртбошимиз Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан қилган чиқишларида тинчлик, унинг қадр-қиммати ҳақида жонкуярлик билан гапирди. Давлатимиз раҳбарининг сўзларини эшитиб, ўтган асрнинг 30-40-йилларидаги очарчилик, қаҳатчилик кунлари эсимга тушди. Уруш касофати билан умри хазон бўлган қишлоқдошларимни эслаб йиғлаб ҳам олдим. Бир парча нон умидида чеккан азоб-уқубатларимизни-ку айтмай қўя қолай. Эртадан кечгача даладан бери келмасдик. Минг карра шукрки, у кунлар ортда қолди. Оғзимиз ошга етди.

Мустақилликдан айланай, юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Эвараю чевараларимиз замонавий мактабларда ўқияпти. Илоҳим, дунё тинч бўлсин. Халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин. Жаннатмонанд юртимиз дунё тургунча турсин!

**Эдуард ЭГАМБЕРДИЕВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиати:**

— Ёшлар катталардан ўрнак олишга интилади. Уларнинг ҳаёт йўли, бой тажрибалари биз, навқирон авлод учун ҳамиша ибрат. Айниқса, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар, уларнинг бебаҳо мероси — фахримиз, ғуруримиз.

Давлатимиз раҳбарининг 9 май куни Хотира майдонидаги сўзларини диққат билан тинглаб, шуни англадикки, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ота-боболаримиз қандайдир тепалик учун эмас, аввало, шу она-Ватанимиз, халқимиз, ўз яқинлари, фарзандлари учун жонини қурбон қилган. Ана шулар ҳақида ўйлаганимизда, бундай қирғинбарот урушлар ҳеч қачон қайтмаслиги учун биз, келгуси авлод вакиллари янада ҳушёр, янада огоҳ бўлиб яшашимиз лозимлиги ойдин бўлади.

Чунки мустақил юртда, бахтли замонда туғилдик. Ҳеч нарсага зориқмай, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топаяпмиз. Бунинг учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Шундай экан, ўз юртимиз, туғилган тупроғимизни муқаддас деб билишимиз, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғимизни бағишлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунда Юртбошимизнинг биз, ёшларга ишончи ҳар жабҳада қанот бўлади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Илғор тажрибалар намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Якунда вилоят марказидаги "Наманган момиқ сочиқлари" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғиёсиддин Бобохонов "Энг яхши тадбиркор", Поп туманидаги "Раис Санг" фермер хўжалиги раҳбари Илёс Ботиров "Энг яхши фермер", якка тартибдаги тадбиркор Юнусхон Азимов "Энг яхши ҳунарманд", номинацияси бўйича ғолиб бўлди.



Мазкур кўрик-танловнинг Навоий шаҳрида бўлиб ўтган вилоят босқичида 50 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз ютуқларини намойиш қилди.

Эътиборлиси, нуфузли тадбирда тажрибали ишбилармонлар билан бир қаторда, интилувчан йигит-қизлар ҳам фаол қатнашдилар. Нурота туманилик Гулжаҳон Исломова — ана шундай ташаббускор ёшлардан бири. У танловда ўзи яратган миллий каштачилик маҳсулотлари билан иштирок этиб, "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида муваффақият қозонди.

Навоий шаҳридаги "Триумф горняк" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Вали Файзиев "Энг яхши тадбиркор", Қизилтепа туманидаги "Наргиза диёр" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Раҳмонов эса "Энг яхши фермер", деб топилди.

— "Ташаббус" танловида иштирок этиш зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди "Триумф горняк" масъулияти чекланган жамияти раҳбари В. Файзиев. — Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтиришда қўл келмоқда. Асосан, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз қошида тикувчилик цехи ҳам ташкил этдик. Янги ишлаб чиқариш мажмуамиз хорижнинг энг илғор тикув-бичув технологиялари билан жиҳозланган.

Шунингдек, танлов доирасида "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи", "Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши оилавий бизнес" каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Тежамкор технологиялар

## мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада оширишда алоҳида ўрин тутади

Пойтахтимизда "Ўзбекэнерго" компанияси ташаббуси билан энергия захираларидан самарали фойдаланиш, соҳага инвестициявий лойиҳаларни жалб қилиш ва жаҳон тажрибасини қўллаш, тўлов тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда энергия манбаларини асраб-авайлаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда тизимга илғор технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда компания томонидан Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига биноан, 26 та йирик лойиҳа амалга оширилаётгани, бунинг натижасида биргина жорий йилнинг ўзида 8 та янги объект ишга туширилиши режалаштирилаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

### АНЖУМАН

Албатта, соҳа мутахассислари тараққиёт йўлида тежамкор технологияларга таяниш, электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил усулларидан унумли фойдаланиш муваффақият гарови эканлигини яхши билишади. Зеро, эндиликда дунё миқёсида муқобил энергия манбаларига "келажак энергияси" дея таъриф берилаётгани бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, компаниянинг Тошкент, Таллимаржон, Навоий, Тахиатош иссиқлик электр станцияларида умумий қуввати 1970 мегаваттлик буғ-газ турбиналари қурилаётган бўлса, Самарқанд вилоятида умумий қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси барпо этилаяпти. Яқин келажакда эса Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам ҳар бири ана шундай кучланишга эга иккита янги станция қад ростлайди.

Анжуманда мутахассислар журналистларни тизимда рўёбга чиқарилаётган бу каби йирик инвестиция лойиҳалари билан таништириш баробарида, фойдаланилган электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий усуллари хусусида ҳам батафсил маълумот бердилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кооперация ва истиқбол

*Жиззах шаҳрида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.*

Унда Жиззах ҳамда қўшни вилоятларнинг саноат салоҳияти намойиш қилинди.

Тадбирга ташриф буюрганлар 304 та йирик саноат корхонаси ҳамда кичик бизнес субъектининг импорт ўрнини босувчи мингга яқин маҳсулотлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

— Ушбу ярмарка биз, тадбиркорларга ўз маҳсулотларимизни тарғиб қилиш ҳамда янги харидорлар топишда кенг имкониятлар яратиб бераяпти, — дейди Самарқанд вилоятидаги "Гарант мебель" МЧЖ иш бошқарувчиси Ўткир Рўзиқулов. — Бу галги тадбирда буюртмачиларимиз билан 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан ўзаро келишувга эришдик.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси савдолари якунида умумий қиймати 10 миллиард 815 миллион сўмлик 229 та шартнома имзоланди. Унинг асосий қисми маҳаллий саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Биргина Жиззах шаҳридаги "Жиззах полимер қувур" масъулияти чекланган жамияти вакиллари янги буюртмачиларига 2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берадиган бўлди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги йўлда замонавий кўприк

*Бугунги кунда юртимизнинг қайси гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Қурувчиларимизнинг фидойи меҳнати туфайли қад ростлаётган иншоотлар эса шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк бағишлаш баробарида, халқимизнинг турмушини янада фаровонлаштиришга хизмат қилаяпти.*

### БУНЁДКОРЛИК

Таъкидлаш керакки, қурилиш кўлами, айниқса, йўлсозлик соҳасида тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Мамлакатимизда халқ хўжалиги юкларининг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келишини инобатга олсак, бу юмушларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англаш қийин эмас.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам йўлсозлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат асосида барпо этилаётган халқаро аҳамиятга молик "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" автомобиль йўли ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Яқинда ушбу халқаро автомобиль йўлининг узвий қисми — "Нукус — Чимбой — Тахтакўпир" йўли чорраҳасида замонавий кўприк қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу ишни Қорақалпоғистон Республикаси кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси қисқа фурсатда бажарди.



Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



— "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" халқаро автомобиль йўлининг 765-километрида жойлашган мазкур кўприк Нукус шаҳрига кираверишда ажойиб манзара касб этиб турибди, — дейди корхона бошлиғи Рустам Ўрозимбетов. — Ҳозирги кунда қарийб 39 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд қилинган янги кўприк ён-атрофларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу биз, қурувчиларнинг мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамига ўзига хос туҳфамиздир.

Иншоотнинг ишга туширилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда иштирокчилар томонидан бу каби янги объектлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Франциянинг “Areva” энергетика концерни олти минг нафарга яқин ишчиси билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишни мўлжаллаяпти.*

## Мажбурий чора



Бу жами ходимлар сонининг 14 фоизини ташкил этади. Концерн фаолиятида кетма-кет тўрт йилдан буён ижобий натижа кўзга ташланмаётгани боис унинг маъмурияти ана шундай чора қўллашга мажбур бўлмоқда, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида 4,8 миллиард евро миқдорида маблағ бой берилган. Ишчи кучи учун эса ҳар йили ўртача 3,4 миллиард евро сарфланади.

“Areva” атом реакторлари ишлаб чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган. Ҳозирги пайтда концернга қарашли атом электр станциялари Франция учун зарур бўлган энергиянинг тўртдан уч қисмини етказиб беради.

## Молиявий аҳволи яхшиланди

*Япониянинг видеоўйинлар ва қурилмалар ишлаб чиқарувчи “Nintendo” компанияси сўнгги тўрт йил ичида биринчи марта молиявий йилни даромад билан якунлади.*



Хусусан, ушбу даврда компания 24,8 миллиард иена (207 миллион АҚШ доллари) миқдорида маблағ ишлаб олган. Бу аввалроқ экспертлар қилган прогнозга нисбатан анча кўп. Айтиш жоизки, ўтган йили “Nintendo” маҳсулотлари савдоси 4 фоиз пасайган. Аммо шунга қарамай, маъмурият корпоратив харажатларни қисқартириб, молиявий кўрсаткичларни оширишга муваффақ бўлди.

“Кунчиқар юрт” ишлаб чиқарувчиси жорий йилда мобиль қурилмаларга мўлжалланган ўйинлар дастури тайёрлашни йўлга қўйиб, молиявий аҳволини мустаҳкамлашни режалаштирмоқда.

## Талаб камайиши мумкин

*Австралиянинг “ArcelorMittal” компанияси бу йил дунё бўйича пўлатга бўлган талаб 0,5 — 1,5 фоиз атрофида пасайиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.*



Қолаверса, январь ойидан буён темир рудаси баҳоси 30 фоиз арзонлашган. “ArcelorMittal” эса айни мазкур соҳада фаолият юритади. Агар халқаро бозорда шундай ўзгаришлар кузатилса, бу Австралия иқтисодиётига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Негаки, ҳозирги кунда денгиз йўли орқали ташилаётган ҳар беш тонна маҳсулотнинг уч тоннаси ушбу мамлакат конларидан олинади.

## Компьютер саратонга қарши курашади

*“IBM” компанияси томонидан яратилган “Watson” номли суперкомпьютер имкониятидан саратон касаллигини даволашга мўлжалланган дори-дармон ишлаб чиқаришда фойдаланилади.*



Замонавий техника АҚШ ҳамда Канаданинг 14 та онкология клиникасида қўлланилади. У орқали беморлар ва уларнинг саломатлигини тиклаш жараёнларига оид барча маълумотлар таҳлил қилиб борилади. Шунингдек, компьютер саратон ўсимталари ДНКларини ўзида сақлаб олиб, уларга қандай даво усулларидан фойдаланиш яхши самара беришини аниқлайди.

Экспертлар хасталикни даволашда “Watson” катта наф беришини ҳамда саратоннинг оғир турига чалинган инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга шароит туғилиши мумкинлигини айтишмоқда.

## Энг узоқ галактика

*Астрономлар Ердан энг узоқда жойлашган галактикани аниқлашди.*



“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, у сайёрамиздан 13,1 миллиард ёруғлик йили узоқликдадир. Мазкур кашфиёт АҚШнинг Йел ҳамда Калифорния университетлари мутахассислари саъй-ҳаракатлари маҳсули ҳисобланади. “EGS-zs8-1” дея номланган галактикани аниқлаш ва ёшини билиш учун олимлар учта турли телескопдан фойдаланишган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

*Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг атроф-муҳитга эҳтиётқорона муносабатда бўлиши, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик ҳисобланиб, уни муҳофаза қилиш лозимлиги белгилаб қўйилган.*

# Экологик барқарорликни таъминлаш

## давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир



Истиқлол йилларида, шунингдек, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган кўплаб қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланаётгани туфайли муайян ютуқларга эришилаяпти. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаол иштирок этиб, аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш, уларнинг экологик маданиятини юксалтиришда яқиндан кўмак бермоқда.

Дарҳақиқат, аҳоли ва юридик шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги билим ҳамда кўникмаларини ошириш мақсадида қўмита томонидан бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилаётир. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинаётгани, қўмитанинг интернет тармоғидаги веб-саҳифасига қонунларни бузганлик учун қўлланиладиган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилаётгани кутилган самарани бераяпти. 2015 йилнинг биринчи чорагида табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузган мансабдор шахс ва фуқароларнинг сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баробар камайгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя этишда юзага келаётган муаммоли масалаларни зудлик билан ҳал қилиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш ва маслаҳат бериш учун марказий аппарат ҳамда барча ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарида “Ишонч телефонлари” ишлаб турибди. Бундан ташқари, мунтазам равишда “Очиқ эшиклар куни” ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки уч ойида қўмита давлат инспекторлари томонидан

### НАЗОРАТ

режали текширишлар ҳамда назорат тадбирлари доирасида жами 2036 та хўжалик юритувчи субъектда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, 80 га яқин семинарлар ўтказилиб, соҳага оид қўлланмалар тарқатилди.

“Очиқ эшиклар куни”да эса тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларнинг 140 та муаммоли масаласи тўлиқ ҳал этилди. “Ишонч телефонлари”га тушган 126 та мурожаат ечимига яқиндан ёрдам кўрсатилди.

Таҳлилларга қараганда, тадбиркорлик субъектлари мурожаатларининг аксарияти, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, янги объект қуриш учун ажратилаётган ер майдонларини экологик экспертизадан ўтказиш тартиблари, экологик норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уни экологик экспертизадан ўтказиш, таркибида озон емирувчи моддалар бўлган асбоб-ускуналарни республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш, экологик сертификатни расмийлаштиришга оид масалалардан иборатдир. Шу боис қўмита тизимида ушбу масалалар билан шуғулланиш учун алоҳида мутасаддилар тайинланган бўлиб, бу йўсинда мурожаатларнинг ижроси ўз вақтида таъминланмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳам кўрилаяпти.

Шу йилдан эътиборан тадбиркорлик субъектларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги мурожаатларини “Ягона ойна” орқали қабул қилиш ҳамда жавоб бериш йўлга қўйилди. Бундай қулайликдан, айниқса, кичик бизнес субъектлари вакиллари хурсанд. Негаки, ушбу янгилик уларнинг вақтини тежаши баробарида, муаммолар юзасидан тезкорлик билан жавоб олиш имкониятини яратди.

Ўтган даврда мазкур тизим орқали тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг 2 мингдан зиёд мурожаатлари бўйича тегишли давлат хизмати кўрсатилди.

Буларнинг бари атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни сақлашдек эзгу мақсад-муддаолар рўёбига хизмат қилаётир.

**Воҳиджон ҲАЙИТБОЕВ,**
**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

---

ЭЪЛОНЛАР

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 17 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 25 декабрдаги 15-14-10/14261-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Фарғона шаҳри, 26-сонли «Тўқимачилар» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3387,52 кв.м., фойдаланиш майдони 1480,76 кв.м. бўлган рельсли база бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 600 000 000 сўм.***

**2.** Фарғона шаҳри, 12-сонли «Маърифат» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 79,17 кв.м., фойдаланиш майдони 73,20 кв.м. бўлган маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 74 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2015 йил 15 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2015 йил 29 май куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:**

**II.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси).

***Бошланғич баҳоси — 314 641 866 сўм.***

**III.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги озиқ-овқат дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 88 574 888 сўм.***

**IV.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001-0016- литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 274 647 795 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги молхона мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 347 357 207 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 422 217 983 сўм.***

**4.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 34 747 560 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2015 йил 27 май куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+998 73) 244-42-24, (+998 90) 231-38-59.**

665А/34

Хизматлар лицензияланган.

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2015 йил 18 июнь куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Буюк Турон кўчаси, 56-уйда жойлашган «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖнинг 2015 йил 5 майдаги мажлис баёни қарорига ҳамда 2015 йил 6 майдаги 75-сонли хатига асосан, жамият балансидаги 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/268 VAA бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 10 фоиз пасайтирилган нархда, яъни 14 607 000 сўм миқдорида такрорий равишда, шунингдек, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол кўчаси, 29-уйда жойлашган «O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Axborot-hisoblash markazi» ДУК балансидаги, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/853 NDA, бошланғич баҳоси — 27 200 000 сўм бўлган «Nexia-2 СОНС» русумли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» мавзеси, Қатортол кўчаси, 2/1-уйда жойлашган, Чилонзор тумани Молия бўлими балансидаги, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/802 ХСА, бошланғич баҳоси 8 045 000 сўм бўлган «ГАЗ-31100» русумли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Тошкент — Ўш йўлининг 98 км.да жойлашган, «Akmal-baraka» МЧЖ балансидаги, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/950 ZAA, бошланғич баҳоси — 32 914 200 сўм бўлган «МАЗ-5337» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун мулк бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунгача тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари улар сотилгунгача навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 233-02-49, тел./факс: (0-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

656R/30

*Гувоҳнома № 005357.*

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 2 МАЙДАН 8 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 13 апрелдаги 01-02/16-17-сонли «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1269-2 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 25 апрелдаги 11/3-сонли «Тижорат банклари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-3 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 30 апрелдаги 37-сонли «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларни молиялаш учун буюртмачининг ички резервларини сафарбар этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1013-1 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 1 майдаги 36-сонли «Ўзбекистон Республикаси аудитнинг миллий стандарти (5-сон АМС) «Аудитор иши сифатини назорат қилиш»нинг 17.3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 811-1 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 5 майдаги 109-мҳ-сонли «Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1646-4 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 5 майдаги 110-мҳ-сонли «Ахборотни ҳужжатлаштириш, давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1558-4 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 6 майдаги 111-мҳ-сонли «Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1557-4 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 6 майдаги 112-мҳ-сонли «Ўзбекистон Республикасида радиоалоқадан фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1547-3 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 6 майдаги 113-мҳ-сонли «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1543-4 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 6 майдаги 114-мҳ, 14, 38, 40, 01-02/20-15, 2015-12-сонли «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1532-3 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

11. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 6 майдаги 115-мҳ-сонли «Радиочастота спектри мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1413-3 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2015 йил 4 майдаги 38-сонли «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-3 (2015 йил 11 майдан кучга кирди).**

*II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларни молиялаш учун буюртмачининг ички резервларини сафарбар этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 1013, 2001 йил 9 март). *Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2015 йил 4 майдаги 130-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

**2015 йил 1 июндан бошлаб республика ички қатновида ташиладиган юкларга нисбатан 10-01 прейскуранти ставкаларига 1,382 коэффициенти, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўли орқали ташиладиган юкларга 1,454 коэффициентини ва ички қатновда «Ангрен» халқаро логистика маркази ташиладиган юклар учун 0,843 коэффициенти қўлланилишини маълум қилади.**

673А/349

# МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

## Пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилганига ўн беш йил тўлди.

*Мамлакатимизда юрт равнақи йўлида муносиб хизмат қилган, фидойилик кўрсатган, адолат ва тарихий ҳақиқатни тиклаш борасидаги интилишлари учун қатағонга учраган кишиларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*



### САНА

Жумладан, 2000 йилнинг 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилгани ҳам ана шу эъзоз ва эҳтиром ифодасидир. 130 йил давом этган мустамлакачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ушбу ёдгорликда абадий муҳрланган. 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, 31 август мамлакатимизда “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” деб эълон қилинди.

Бу ёдгорлик мажмуи кўпдан-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этилган. Айнан шу ерда ўша давр зиёлиларининг энг сара вакиллари — адиблар, олимлар, адабиётшунослар, актёрлар ва муҳандислар зимдан йўқ қилинган. Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элат вакиллари бор эди.

Мажмуа қурилиши давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, кекса авлод, зиёлилар, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилди. Умумий майдони 16,5 гектардан иборат ёдгорлик мажмуини шартли равишда беш қисмга бўлиш мумкин.

Биринчиси, унинг марказидаги баландлиги 27 метрли ротонда бўлиб, мармар билан қопланган 8 та устун найзасимон учи кўкка бўй тутган қат-қат бурмали зангори гумбазни тутиб туради. Ротонда марказида нақшинкор миллий безаклар тортилган, Қуръон оятлари ўйиб ёзилган қабр тоши ўрнатилган. Бу муқаддас маконни ўзга юртларда хоки қолган юзлаб ватандошларимизнинг рамзий қабри, дейиш мумкин.

Иккинчи қисм бевосита анвойи, ранго-ранг гуллар, турли навли дарахтлар билан обод қилинган боғ ҳудудидир. Учинчиси, Бўзсув канали, тўртинчиси, канал устидан ўтказилган 100 метрли кўприк ва ниҳоят бешинчиси, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейидир.

Ёдгорлик мажмуининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи 2002 йил 31 августда очилган. Шу йили юртимизда “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” илк бор нишонланди. Шу куни оғир синовли дамларни бошдан кечирган меҳнаткаш халқимизнинг юракдаги ушалмаган орзулари амалга ошиб, қуёш нурлари каби қайта порлади.

Президентимизнинг 2008 йил 5 майдаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида музей биносини кенгайтириш бўйича қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилди, экспозиция тубдан янгиланди. Натижада бу ерда юртимиз фуқаролари, айниқса, ёш авлод қалбида миллий ўзликни англаш, тарихимиздан фахрланиш туйғусини уйғотишга хизмат қилувчи шарт-шароит яратилди. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ҳам, мазкур музей ҳам қисқа муддат ичида юртимизнинг энг гавжум зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Мана, 15 йилдирки ушбу маскандан мамлакатимиз фуқаролари ва хорижий зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Бинобарин, ватандошларимиз хотирасини ёд этиш нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, уларнинг пок номларини оқлаш, балки ибратли ҳаёти ҳамда кураши мисолида ёш авлод қалбида истиқлол ғояларига эҳтиром ва садоқат туйғусини тарбиялаш, ватанпарвар ҳамда халқсевар ота-боболарнинг олижаноб анъаналарини улар онги ва шуурига сингдириш, Тараққиёт, Бахт, Саодат ёғдулари таралган буюк келажагимиз эгаларини вояга етказиш ишига ҳам хизмат қилажак. Зеро, хотираси бўлмаган, тарихни унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Ўзининг буюк келажаги сари интилаётган она-Ватанимиз — Ўзбекистонда эса тарихий анъаналар рўёбга чиқиб, миллий қадриятлар қадр топди, халқимизнинг орзу-армонлари ушалди.

Энг асосийси, юртимизда тинчлик ва осойишталик баробарида, инсон хотираси ва қадрининг юксак даражада улуғланаётгани Ўзбекистон истиқлол йилларида том маънода буюк давлатга айланганининг яна бир далолатидир.

**Мурод ЗИКРУЛЛАЕВ,**
**«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори ўринбосари.**




# Дастурчилар олимпиадаси

*Урганч шаҳрида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг ҳудудий филиаллари талабалари ўртасида дастурлаш бўйича интеллектуал олимпиаданинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мусобақанинг дастлабки саралаш баҳслари онлайн тарзида ўтказилиб, унда 214 та жамоа иштирок этди.*

Финал босқичида 11 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Компьютер технологиялари бўйича турли шартлар асосидаги ўзаро беллашувлар якунида биринчи ўринни ТАТУнинг “Тошкент-1” жамоаси эгаллади. Кейинги ўринлар университетнинг Урганч филиали ҳамда “Тошкент-2” жамоаларига насиб қилди.

— Дастурлаш соҳасида янгилик яратишга интилаяпмиз, — дейди ТАТУ Самарқанд филиали талабаси Баҳром Раҳмонов. — Машғулотлар учун мўлжалланган электрон дарс жадвали яратдик. Бу дастуримиз талабаларга жуда маъқул келди.

Биринчи маротаба ўтказилган ушбу олимпиада ёшларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш билан бирга, жорий йилда дастурлаш бўйича бўладиган жаҳон чемпионатига муносиб тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шўрланишнинг олдини олади

*Амударё туманидаги “Хаматов Умрбой” масъулияти чекланган жамиятида тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган “Хлорелла-2” биоўғитини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

— У минтақамизда фаолият кўрсатаётган фермерларга маъқул келмоқда, — дейди тадбиркор Умрбой Хаматов. — Негаки, таркиби оқсил, ёғ, азот, кальций, магний каби фаол моддалар билан бойитилган ушбу биоқўшилма юқори ҳосил олишни кафолатлайди. У қўлланилганда, ўсимлик нисбатан сувни кам талаб қилади. Шу билан бирга, минерал ўғитлар сарфи ҳам 25 фоизгача қисқаради. Тупроқда гумус миқдори сезиларли даражада ортади. Асосийси, Оролбўйи шароитида у шўрланишга қарши самарали восита ҳисобланади.

Эътиборлиси, тажриба-синов жараёнида “Хлорелла-2” қўлланилганда, ҳосилдорлик гектарига ўртача 2,7 центнер ошиши кузатилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Интенсив усул афзаллиги

*Қашқадарёнинг сув тақчил бўлган ҳудудларида томчилатиб суғоришнинг кўчма усулидан фойдаланиш ўзлаштирилди. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган ушбу технология айни пайтда Ғузор, Қамаши, Косон туманларидаги сабзавотчилик, пахта ва ғаллачилик фермер хўжаликларида синовдан ўтказилмоқда. Натижада сувни маълум даражада тежаш ва ҳосилдорликни оширишга эришилаяпти.*

— Томчилатиб суғоришда ерни намлантириш орқали обиҳаёт айнан ўсимлик илдизига етказиб берилади, — дейди Дон ва дуккакли дон экинлари илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали етакчи мутахассиси Бахтиёр Худойқулов. — Масалан, оддий усулда сабзавот етиштириладиган майдонларда гектарига 1000-1200 куб метр сув сарфланса, томчилатиб суғоришда бу кўрсаткич 300-400 куб метрни ташкил этади. Бундан ташқари, минерал ўғит сарфи ҳам бир гектар ерда 400 килограмм камаяди. Мазкур усулда парваришланаётган ғўза анъанавий майдондагидан анча баравж ривожланади ва ҳосил 15-18 кун эрта пишади. Минерал ўғитнинг эритилган ҳолда берилиши эвазига ўсимлик озуқа моддалар билан яхши тўйинади ҳамда 50 фоизгача ўғитни иқтисод қилишга эришилади. Янги технология орқали тупроқдаги намликнинг юқори даражада ушлаб турилиши, сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига йўл қўйилмаслиги деҳқонларга маъқул келмоқда.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоятда 526 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида томчилатиб суғориш ва 753 гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш технологияси жорий этилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Саломатлик қалқони

*Халқимиз дастурхонидан бодом, хандон писта, ёнғоқ, туршак, майиз каби ноз-неъматлар аримайди. Ушбу қуруқ мевалар дастурхон зийнатигина эмас, балки инсон саломатлигининг қалқонидир. Айниқса, бодомнинг турган-битгани — кони фойда.*

### БИЛАСИЗМИ?

У ички аъзоларни тозалаш, кўзни равшанлаштириш, томоқни юмшатиш хусусиятларига эга. Шакар билан бирга истеъмол қилинса, зиқнафас, зотилжам ҳамда қон қусишга наф бериши билан бирга, танадаги синган аъзолар ва яраларнинг тез битишига кўмаклашади.

Бодомли мураббо буйрак фаолиятини яхшиласа, унинг қариқиз ўсимлигининг илдизига қўшиб дамланган ҳолда бошга суртилган ёғи соч тўкилишини камайтиради. Ширин бодом мойи ёки мағзи обдан эзилиб сувга аралаштирилса, бодом “сути” ҳосил бўлади. У пешоб ҳайдовчи беозор омил ҳисобланади.

Халқ табобатида дармонсизлик, нафас қисиши, бош айланиши ва қуруқ йўталга қарши қанд билан аралаштирилган бодом мағзи тавсия этилади. Аччиқ бодомнинг мусаллас билан қўшилгани эшакемини даволашда, асал билан аралашмаси эса тошма яраларга малҳам бўлади. Бодомнинг сирка билан омихта қилингани замбуруғли касалликларга қарши восита сифатида қўлланилади.

Бодом мойи болаларда сурги сифатида фойдаланилади. Қизамиқ чиққан гўдакларга бодом меваси пўчоғининг қайнатмасини ичириш фойдалидир.

Маълумотларга қараганда, бодом уни қанд касаллиги, болалардаги тутқаноқ ва ошқозон касаллигини даволашда муҳим парҳез воситалардан бири саналади. Аччиқ бодом мойи эса қулоқ оғриғининг олдини олади.

Замонавий тиббиётда чучук бодом мағзидан тайёрланадиган эмульсия меъда-ичак оғриқларини қолдириш учун ишлатилади.

Кўриниб турибдики, бодомнинг хислатлари жуда кўп. Уни мунтазам истеъмол қилиб юрган кишининг иммунитети ошади, турли касалликлардан фориғ бўлади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**


Реклама ва эълонлар

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй,**
**Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05/564

**«Совпластитал» АЖ**
**шуни маълум қиладики,**
**Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни шодиёналари муносабати билан корхона фирма дўконида бир ой мобайнида 30 фоизлик чегирма билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг савдоси ташкил қилинади.**
**1-сонли фирма дўкони манзили:**
**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 24. Мўлжал — цирк ёнидаги янги кўприк ёки метронинг Ғафур Ғулом бекати. Телефонлар: (+998 71) 244-62-96, 244-50-30.**

680А/335

**«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси**
**махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**
**махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.**

DOOSAN







**www.doosaninfracore.uz**

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
**Тел.: (+99871) 200-00-27/28. (+99890) 805-60-52/53.**
**E-mail: doosansales@uztow.com**

**Сервис хизмати**
**Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.**
**E-mail: servicedoosan@uztow.com**

115R/69



**«Қибрай»**
***клиник санаторийси***
**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**
**Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.**
**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**
**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
***Манзилимиз:***
**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**
***Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.***

02R/955


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Қўмита аъзоси М. А. Тохтаевага онаси

**МУБОРАК аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси Касаба уюшма қўмитаси раиси, профессор

**Қаҳрамон АЛИМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5